



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 1 январь, № 1 (8624)

Душанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ



Азиз ватандошлар!

Жонажон диёримизга янги — 2024 йил кириб келмоқда.

Мана шу шуқухли дамларда дуоғуй отахон ва онахонларимизни, меҳрибон опа-сингилларимизни, барча соҳа ва тармоқлар вакилларини, азму шижоатли ёшларимизни, чет эллардаги қадрли ватандошларимизни — кўп миллатли бутун халқимизни ушбу қутлуғ айём билан чин қалбимдан самимий табриқлайман.

Мухтарам дўстлар!

Албатта, ҳаёт бор экан, унинг ютуқ ва қувончлари, ташвиш ва муаммолари ҳам бўлиши табиийдир. Аммо инсон ва халқ ақл-заковати, ҳалол меҳнати, мустаҳкам иродаси билан ҳар қандай синовлардан муносиб ўтишга қодир.

Шу маънода, 2023 йил эл-юртимиз учун қутбаракали ва омадли келди. Энг муҳими, юртимизда тинчлик-осойишталик, турли миллат вакиллари ўртасида дўстлик ва ҳамжихатлик ҳукм сурмоқда.

Тарихимизда биринчи марта умумхалқ референдуми асосида янгиланган Конституциямизни қабул қилдик. Келгуси тараққиётимизни белгилаб берадиган "Ўзбекистон — 2030" стратегиясини амалга оширишни бошладик.

Қўллаб-қувватлаш аниқланган юқори савияда ўтказдик.

Халқаро майдонда муҳим ташаббусларни илгари сурдик.

Барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишга эришдик.

Республикамизда юқори технологик замонавий sanoat корхоналари, логистика ва инфратузилма тармоқлари, боғча ва мактаблар, маданият ва спорт объектлари барпо этилди. Янги-янги иш ўринлари очилмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимиз обод бўлиб, аҳоли ҳаёт даражаси юксалиб бормоқда.

Биргаликдаги меҳнатимиз туфайли Янги Ўзбекистон орзуси реал ҳақиқатга айланмоқда. Барча эришган ютуқларимиз учун сиз, азиз

ватандошларимизга чин дилдан миннатдорлик билдираман.

Мухтарам дўстлар!

Инсон қадрини улуғлаш, аҳолимиз манфаатларини таъминлаш, бунинг учун кучли иқтисодийёт барпо этиш бизнинг асосий вазифамиздир. Шу мақсадда 2024 йилни мамлакатимизда "Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили" деб эълон қилдик.

Янги йилда иқтисодийётимизга хорижий инвестицияларни жалб этиш, тадбиркорлик ва хусусий мулк учун кенг имкониятлар яратишни янада кучайтирамиз. Илм-фан, инновация, IT каби соҳаларни, "яшил" ва рақамли технологияларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратамиз.

Янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳоли даромадларини ошириш эътиборимиз марказида бўлади. Иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдори кўпайтирилади. Хотин-қизлар ва нурунийларни, ёрдамга муҳтож инсонларни қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият берамиз. Ижтимоий соҳалар ривожини мутлақо янги босқичга кўтарамиз.

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларимиз жанговар салоҳиятини ошириш устувор вазифамиз бўлиб қолади.

Мухтасар айтганда, янги ҳаётни, Янги Ўзбекистонни барпо этиш учун бор куч ва имкониятларимизни тўлиқ сафарбар этамиз.

Қадрли ва муҳтарам ватандошларим!

Сизларни Янги йил байрами билан яна бир бор қутлаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, хонадонларингизга тинчлик ва файзу барака тилайман.

Ҳар бир оила, ҳар бир маҳалла, бутун юртимиз фаровон бўлсин!

Ўзгал Ватанимизни Яратганнинг ўзи паноҳида асрасин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ ВА ПРЕЗИДЕНТИГА ЯНГИ ЙИЛ БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Хорижий давлатлар, парламентлар ва ҳукуматлар, халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари, таниқли жамоат ва дин арбоблари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев номига кириб келаётган 2024 йил муносабати билан самимий табриқлар йўлламоқда.

Қутловларда мамлакатимиз етакчиси раҳбарлигида Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида ортага қайтмас тус олган ислохотлар дастури муваффақиятли амалга оширилаётгани қайд этилган. Мамлакатимизнинг прагматик ташқи сиёсати юқори самара бераётгани, бунинг натижасида юртимиз халқаро нуфузи юксалиб бораётгани таъкидланган.

Хорижий ҳамкорлар Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқига фаровонлик, янги муваффақиятлар, тинчлик-осойишталик ва равақ тилақларини изҳор этмоқда.

**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ
ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ
ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Ҳурматли Шавкат Мирмонович!
Янги йил байрами муносабати билан самимий табриқларимни қабул қилгайсиз.

Яқинда Москвага амалга оширган расмий ташрифингиз Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларининг мустаҳкамлигини тўлиқ тасдиқлади, ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги йўналишларини белгилаб олиш имконини берди.

Келаётган йилда ҳам конструктив мулоқот ва турли соҳаларда истиқболли икки томонлама лойиҳаларни амалга ошириш бўйича биргаликдаги ишларни, МДХ, ШХТ ва бошқа кўп томонлама тузилмалар доирасидаги саъй-ҳаракатлар мувофиқлаштирувини давом эттиришимизга ишонаман. Бу, ҳеч шубҳасиз, давлатларимиз фуқароларининг туб манфаатларига мосдир, Евроосиё маконида хавфсизлик, барқарорлик ва фаровонликни таъминлаш мақсадларига жавоб беради.

Сизга, ҳурматли Шавкат Мирмонович, оилангиз аъзолари ва яқинларингизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва муваффақиятлар, дўст Ўзбекистон халқига эса тинчлик ва равақ тилайман.

Ҳурмат билан,

Владимир ПУТИН,
Россия Федерацияси Президенти

**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ
ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ
ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Ҳурматли Шавкат Мирмонович!
Кириб келаётган янги 2024 йил муносабати билан самимий табриқларимни қабул қилинг!

Сизга соғлиқ-омонлик ва қардош Ўзбекистон халқи фаровонлиги йўлида янги муваффақиятлар тилайман.

Қосим-Жомарт ТОҚАЕВ,
Қозоғистон Республикаси Президенти

**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ
ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ
ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Ҳурматли Шавкат Мирмонович!
Сизни кириб келаётган янги 2024 йил билан чин дилдан муборакбод этаман!
Яқунлаётган йил Қирғизистон — Ўзбекистон муносабатларида жадал ривожланиш йили бўлди. Учрашувларимиз натижасида келишувларга эришилди ва кўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ишончим комилки, қирғиз — ўзбек дўстлиги ҳар қачонгидан ҳам мустаҳкам бўлади, яқин муносабатлар ва ўзаро қўллаб-қувватлаш кучайиб бораверади.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан Қирғизистон — Ўзбекистон муносабатлари бундан бундан ҳам қардош халқларимиз манфаатлари йўлида мустаҳкамланиб бориши ва изчил ривожланишига ишонаман.

Ҳурматли Шавкат Мирмонович, Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, масъулиятли давлатчилик фаолиятингизда катта муваффақиятлар, қардош Ўзбекистон халқига эса тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равақ тилайман!

Ҳурмат билан,

Садир ЖАПАРОВ,
Қирғиз Республикаси Президенти

**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ
ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ
ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Қадрли Шавкат Мирмонович!
Кириб келаётган янги 2024 йил муносабати билан самимий табриқларим ва энг эзгу тилақларимни қабул қилгайсиз!

Яқунга етаётган 2023 йилда Тожикистон — Ўзбекистон яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларида ижобий ривожланиш суръатини сақлаб қолганимизни таъкидлашдан мамнунман.

Бугун биргаликдаги изчил саъй-ҳаракатлар туфайли Тожикистон ва Ўзбекистон муносабатлари биродар халқларимизнинг туб манфаатларига мос ҳолда ҳамкорликнинг турли соҳаларида янги амалий мазмун билан бойимокда.

Бунга кўп жиҳатдан ишончга асосланган мунтазам мулоқотимиз, мамлакатларимиз ўртасидаги олий ва юқори даражадаги доимий алоқалар хизмат қилмоқда.

Бўлажак 2024 йилда Тожикистон Республикасига ташрифингиз қўшни мамлакатларимиз ўртасидаги давлатлараро мулоқотларнинг конструктив ривожланишига сифат жиҳатдан янги суръат бағишлашига қатъий ишонаман.

Янги йил арафасида Сизга, ҳурматли Шавкат Мирмонович, чин кўнгилдан мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва янги муваффақиятлар, биродар Ўзбекистон халқига эса тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равақ тилайман!

Ҳурмат билан,

Эмомали РАҲМОН,
Тожикистон Республикаси Президенти

Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини, эзгу
ғояларни тараннум этишда ўзбек адабиёти ҳамиша
мустаҳкам замин бўлиб келган ва ишонаманки, доимо
шундай бўлиб қолади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Эҳтиром ва ифтихор

ЗАМОН ҚАСРИ

Сирожиддин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташкил топганига тўқсон йил тўлаётир. Вақт ва замон шиддат билан ўтмоқда. Бу ёруғ кунларга етиб келмоғимиз осон бўлмади. Қанча синовларни бошдан ўтказдик. Бу оғир ва мураккаб йўллар биз — адибларни тоблади, иродамизни чиниктирди. Она Ватан, халқимизга меҳр ва садоқатимизни зиёда қилди. Келажақда учраши мумкин бўлган турли қийинчилик ва машаққатларни энгиб ўтишда бу ноёб тажриба, маънавий иммунитет бизга ва бизнинг муштарий-ўқувчиларимиз учун мустаҳкам замин бўлмай.

Биз ўзгаришлар даврида, янги замонда яшамоқдамиз. Ғурур ва ҳайратимизни ичга яширолмай шеърга солдик. Замонамиз ва халқимиз олдида бурчимиз ҳам, қарзимиз ҳам кўп.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев бундан олти йил бурун — 2017 йилнинг 23 декабрь кuni Адиблар хиёбонида амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари, Ёзувчилар уюшмасининг янги замонавий биноси билан танишар экан, ёзувчи-шоирлар билан мулоқот чоғида бу бинолар, ёдгорлик мажмуаларимиз шийпонлар, ҳайкаллар ва йўлақлар, бир зум бўлса-да, бекор турмаслиги, доимо маданият аҳли ва толиби илмлар билан гавжум бўлиши, том маънода, ижод, тафаккур ва тарбия масканига айланиши кераклигини таъкидлаган эди.

Шуқри, бу орзу-ниятларимиз бугун амалга ошмоқда. Элу юртимиз равақи, азиз фарзандларимизнинг бахту камоли йўлида, она Ватанимиз саодати учун фидокорона меҳнат қилиб, янги замон биносини матонат билан тиклаётган халқимизга, унинг улуғ фарзандларига эҳтиром ва таҳсинлар бўлсин.

Алишер Навоий бобомиз ҳам худди шу аснода Адиблар хиёбонининг баянда ва муҳташам айвонидан шеърый дуо йўллаб тургандай:

Ғарз ул эрдиким, бу қасри олий,
Ки ҳаргиз бўлмагай, ё Раб, заволи,
Биноедурки, шаҳ бунёд қилмиш,
Замона қасридек обод қилмиш.

Ўз-ўзидан бино бўлмас замон қасри,
Замон қасри — асли орзу-армон қасри.
Юрт эгасин ҳимматидан бунёд бўлган,
Меҳнати ҳам захматидан бунёд бўлган —
Бир қасрим, йўқ эмиш ҳеч андозаси,
Кетмиш етти иқлимларга овозаси.
Ёш кўнгиллар суруридай оқ девори,
Зоминлардан бошлангандир пойдевори.
Қаср дедим, ғалат қилдим, обида бу,
Она юртининг кенг ва мўл даргоҳида бу.

Қалам аҳлин чеккан ранжу азияти,
Асрий орзу-армонларин ҳам нияти —
Рўёбидай пойтахт аро ҳад ростламиш,
Элнинг давру давронидай қад ростламиш.
Чор-атрофи — гир хиёбон, боғу гулзор,
Миллий боғ бу, яъни обод бир чаманзор.
Ҳар тонг қутлуғ саломини бобо қуёш,
Аввал ҳазрат Навоийга айлар нурпош.
Мир Алишер бобо ўзи саркор бўлиб,
Ҳар сония, ҳар соатда даркор бўлиб,
Янги замон халқини олқишламоқда,
Бу бинолар, бу хиёбон ишламоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ ВА ПРЕЗИДЕНТИГА ЯНГИ ЙИЛ БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР



**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ
ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ
ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Мухтарам Шавкат Миромонович!
Қириб келатган 2024 йил муносабати билан энг самимий ва илқ табриқларимни қабул қилинг.

Сизга мустақкам соғлиқ, бахт-саодат ва барча ишларингизда катта муваффақиятлар тилайман.

Янги йил барчамизга тинчлик, фаровонлик ва равақ олиб келсин!

Хурмат билан,

**Сердар БЕРДИМУҲАМЕДОВ,
Туркманистон Президенти**



**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ
ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ
ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Хурматли Шавкат Миромонович!
Сизни қириб келатган Янги йил билан дилдан қутлайман!

Янги 2024 йил барчамиз учун саодатли, фаровон ва равақли бўлсин!

Чуқур хурмат билан,

**Гурбангули БЕРДИМУҲАМЕДОВ,
Туркман халқининг миллий етакчиси,
Туркманистон Халқ Маслаҳати Раиси**



**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ
ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ
ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Хурматли Шавкат Миромонович!
Сизни қириб келатган 2024 йил билан самимий қутлайман ва энг эзгу тилақларимни билдираман.

Шуни мамнунинг билан қайд этишни истардимки, умумий тарихий ва маданий илдизларга, қардошлиқ ришта-ларига қурилган Озарбайжон — Ўзбекистон муносабат-лари яқунлаётган йилда ҳар томонлама ривожланиб ва юксалди. 2023 йилда Сизнинг Озарбайжонга давлат таши-рингиз ва икита амалий таширингиз ҳамда менинг қардош Ўзбекистонга амалий таширим, бундан ташка-ри, кўп томонлама тузилмалар доирасидаги мулоқотла-римиз ва келишувларимиз стратегик шериклигимизнинг янада чуқурлашишига, ҳамкорлигимизнинг янги мазмун билан бойишига хизмат қилди.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан Озарбайжон ва Ўзбекистон ўртасидаги аънавий дўстона муносабатлар, ҳам икки томонлама, ҳам халқроқ тузилмалар доираси-даги самарали ҳамкорлигимиз 2024 йилда ҳам қардош халқларимиз фаровонлиги йўлида кенгайиб, мустақкам-ланиб боришига ишонаман.

Хурматли Шавкат Миромонович, Сизга ва барча оила аъзоларингизга мустақкам соғлиқ, бахт-саодат, давлат-чилик фаолиятингизда янги зафарлар, қардош Ўзбекис-тон халқига эса абадий тинчлик ва равақ тилайман.

Хурмат билан,

**Илҳом АЛИЕВ,
Озарбайжон Республикаси Президенти**



**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ
ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ
ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Хурматли Шавкат Миромонович!
Янги йил муносабати билан самимий қутловларимни қабул қилинг.

Яқунга етаётган йил халқроқ кун тартибидеги му-ҳим воқеаларга бой бўлди ва ҳар қандай қийинчилик-ларни фақат биргаликда енгиб ўтиш мумкинлигини ис-ботлади.

Ишончим комил, келатган йил Беларус Республика-си ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги дўстлик ва ўзаро англашув аънаваларини мустақкамлайти, давлат-ларимизнинг турли шакллардаги ҳамкорлигини янги сал-моқли натижалар билан бойитади.

Чин юракдан Сизга, мухтарам Шавкат Миромонович, мустақкам соғлиқ, бахт-саодат ва ўйлаган барча режаларингиз рўйбини, мамлакатингиз халқига эса тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва барқарорлик тилайман.

Хурмат билан,

**Александр ЛУКАШЕНКО,
Беларусь Республикаси Президенти**



**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ
ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ
ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Хурматли Президент жаноблари!
Қириб келатган Янги 2024 йил муносабати билан Сиз Жаноби Олийларига, дўст Ўзбекистон ҳукумати ва халқига энг самимий табриқларим ва самимий тилақларимни йўллашдан бахтиёрман.

Келгуси йил янада самарали бўлишига ишонч билдириб, умумий саъй-ҳаракатларимиз билан адолат ва тенглик устун бўлган, можаро ва низоларсиз дунёда яшайдан умидворимиз.

Барча халқроқ ўртасида фаровонлик ҳукм сурадиган олам сари интилишларимиз орқали глобал тинчлик, хавфсизлик ва иқлим ўзгариши каби муаммоларга аниқ ечим топиш бизнинг умумий бурчимиздир.

Мухтарам Президент Жаноби Олийлари, мамлакатларимизни боғлаб турувчи икки томонлама муносабатларимиз келгуси ҳам мустақкамлашиб, янги йил халқларимиз орзу-истакларини рўйбга чиқаришимиз, юқори марраларни забт этишимизда омадли бўлади деб, умид қиламан.

Сиз Жаноби Олийларига энг эзгу тилақларимни йўллаб эканман, Янги йил халқингизга тараққиёт, муваффақият ва бахт-саодат олиб келишини сўраб қоламан.

Янги йил муборак бўлсин!

Камоли эҳтиром ила,

**Абдулфаттоҳ ас-СИСИ,
Миср Араб Республикаси Президенти**



**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ
ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ
ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Хурматли Президент жаноблари!
Сизга ва дўст Ўзбекистон халқига қириб келатган Янги йил муносабати билан самимий табриқларимни қабул қилгайсиз. Соғлиқ-омонлик, бахт-саодат ва барча яхшиликларни тилайман.

Муғулистон ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан буён ўтган 30 йилдан ортиқ давр мобайнида мамлакатларимиз ўртасидаги аънавий дўстона муносабатлар ва ҳамкорлик барқарор ривожланиб бораётгани мамнунинг бағишлайди. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янги босқичга кўтариш, иқтисодий ҳамкорликни амалий мазмун билан бойитиш, минтақавий ва халқроқ даражадаги ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантиришда Сиз Жаноби Олийлари билан биргаликдаги саъй-ҳаракатларни давом эттиришдан мамнунман.

Хурматли Президент жаноблари, яқин дўстим, икки мамлакат муносабатларида янги тарихий саҳифа очиб учун яқин келажакда Сиз билан учрашамиз, деб умид қиламан ҳамда фурсатдан фойдаланиб, Сиз ва оилангизга мустақкам соғлиқ, 2024 йилда муваффақият ва омад тилаб қоламан.

Чуқур хурмат билан,

**Ухнаагийн ХУРЭЛСУХ,
Муғулистон Президенти**

Шунингдек, қуйидагилар ўз табриқла-рини йўллаган:

Хитой Халқ Республикаси Раиси **Си Цзиньпин;**

Қозоғистон Республикасининг биринчи Президенти **Нурсултон Назарбоев;**

Арманистон Республикаси Бош вазири **Никол Пашинян;**

Корея Республикаси Президенти **Юн Сок Ёль;**

Япония Бош вазири **Фумио Кисида;**

Эрон Ислон Республикаси Президенти **Иброҳим Раисий;**

Сингапур Республикаси Бош вазири **Ли Сянь Лун;**

Германия Федерал Республикаси Президенти **Франк-Вальтер Штайнмайер;**

Буюк Британия ва Шимолий Ирландия

Бирлашган Қироллиги Бош вазири **Риши Сунак;**

Италия Республикаси Президенти **Сержо Маттарелла;**

Венгрия Президенти **Каталин Новак;**

Венгрия Бош вазири **Виктор Орбан;**

Норвегия Қироли **Харальд V;**

Греция Республикаси Президенти **Катерина Сакелларопулу;**

Польша Республикаси Президенти **Анджей Дуда;**

Сан-Марино Республикаси капитан-регентлари **Филиппо Таманьини ва Газтано Троина;**

Молдова Республикаси Президенти **Майя Санду;**

Украина Президенти **Владимир Зеленский;**

Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси **Валентина Матвиенко;**

Россия Федерацияси Хукумати Раиси **Михаил Мишустин;**

Хитой Халқ Республикаси Халқ сиёсий маслаҳат кенгаши раиси **Ван Хунин;**

Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари, ички ишлар вазири **шаҳх Сайф бин Зоид Ол Наҳаён;**

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти бош котиби **Чжан Мин;**

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси — Ижрочи котиби **Сергей Лебедев;**

Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби **Кубанчикбек Омуралиев;**

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти бош котиби **Хусрав Нозирий;**

Ислон ҳамкорлик ташкилоти бош котиби **Хусайн Иброҳим Тоҳа;**

Шимолий Атлантика шартномаси ташкилоти бош котиби **Йенс Столтенберг;**

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентлари ассамблеяси кенгаши бош котиби **Дмитрий Кобицкий;**

БМТ Бош котибининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили, Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий марказ раҳбари **Каха Имнадзе;**

Осиё инфраструктуралар инвестициялар банки президенти **Цзинь Лицонь;**

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқроқ фонди президенти **Альваро Ларио;**

Халқроқ Олимпия қўмитаси президенти **Томас Бах;**

Халқроқ дэқдо федерацияси президенти **Мариус Визер;**

Москва ва Бутун Рус патриархи **Кирилл.**

Қутловлар келиши давом этмоқда.

2023 йил Ўзбекистон учун муваффақиятли бўлди

2023 йил Ўзбекистон ташқи сиёсати учун самарали ва фаол кечди. Дунё давлатлари билан ўзаро тенг ҳуқуқли ҳамда манфаатли муносабатлар давом эттирилди. Оқиллик ва прагматизмга асосланган сиёсат тўғрисида Ўзбекистоннинг ташқи шериклар билан муносабатлари мустақкамланди.

Мазкур йўналишда эришилган ютуқлар хусусида бир қатор мамлакатларнинг Ўзбекистондаги элчилари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Эътироф

МАМЛАКАТ ҲАЁТИДА ТУБ БУРИЛИШ ДАВРИ

**Олег МАЛЬГИНОВ,
Россия Федерациясининг
Ўзбекистондаги Фавқуллода ва мухтор элчиси:**



— 2023 йил по-ёнига етди. Ўзбекистон халқи учун ўтган йил йирик ва муҳим воқеаларга бой, мамлакат ҳаётида туб бурилиш даври бўлди: Ўзбекистон Конституциясининг янги таҳрири қабул қилинди, давлат раҳбари лавозими учун сайлов ўтказилди, унда Шавкат Мирзиёев ишончли тарзда галаба қозонди. Марказида инсон қадри бўлган Янги Ўзбекистонни қуришнинг стратегия-си қабул қилинди ва амалга оширилмоқда.

Умуман олганда, 2023 йилда Россия — Ўзбекистон муносабатлари изчиллик билан ривожланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россияга икки марта ташири амалга ошди, мамлакатлар ҳукумат раҳбарларининг учрашувлари, Ҳукуматлараро комиссия йиғилишлари бўлиб ўтди, парламентлараро алоқалар фаоллик касб этди. Қора ва рангли металлургия, кимёвий саноят, ахборот технологиялари, нефть ва газни қайта ишлаш, энергетика, тўқимачилик санвати, қишлоқ хўжалиги каби иқтисодиётнинг турли соҳаларида йирик қўша лойиҳалар йўлга қўйилди. Олимпларимиз мулоқоти давом этди, тиббиёт соҳасида ўзаро ҳамкорлигининг янги уфқлари очилди. Айни пайтда 60 мингга яқин ўзбекистонлик талабалар Россияда таҳсил оляпти.

Бундан ташқари, маданий алмашинувлар бойиб бормоқда. Москвадаги Катта театрда илк марта Ўзбекистон миллий балети "Лағзи. Қалб ва муҳаббат рақси" намойиш этилди. Ўзбекистоннинг театр ва концерт даргоҳларида "Рус мавсуми" халқроқ маданий лойиҳаси ўтказилди, унинг доирасида россиялик маданият на-мояндалари фаол катнашди. Сайёҳликнинг ривожига ҳам халқларимизни яқинлаштирмоқда.

Президентларимиз 26 декабрь кuni Санкт-Петербургдаги учрашувда йил якуналарини ва келажакда дахлдор вазифаларни муҳокама этишди. Қириб келган 2024 йил икки томонлама муносабатларимиз аввалгиларига қараганда яна-

да самаралроқ бўлишига, Янги йил ўзбекистонликлар учун ҳам гоёқ муваффақиятли келишига ишончим комил.

2024 йилда Ўзбекистон халқига мустақкам соғлиқ, фаровонлик, бахт тилайман!

ИСТИҚБОЛЛИ КЕЛАЖАК ЙЎЛИДА ҲАМКОРМИЗ

**Юй ЦЗОНЬ,
ХХРнинг Ўзбекистондаги Фавқуллода ва мухтор элчиси:**



— Ўтган йил Хитой — Ўзбекистон муносабат-лари тарихида ўзига хос ўрин тутди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг страте-гик раҳбарлиги остида янги Ўзбекистонни қуриш ва миллий ис-лохотларни чуқурлаштиришда катта ютуқларга эришилди — иқтисодий гуркураб ўсаяпти, жамият тараққиёт этипти, мамлакатнинг халқроқ нуфузи кун сайин ошиб бормоқда.

2023 йилда Президент Шавкат Мирзиёев Хитойга икки бора ташири буюрди. Бири — "Хитой — Марказий Осиё" биринчи саммитида иштирок этиш, иккинчиси, "Бир макон, бир йил" учинчи халқроқ ҳамкорлик форумида қатнашиш учун. Ушбу саммитлар доирасида Президент Шавкат Мирзиёев Хитой Раиси Си Цзиньпин билан учрашиб, янги даврда икки мамлакат ўртасидаги хар томонлама стратегик шериклик-ни ривожлантириш истиқболлари юзасидан фикр алмашди.

Таъкидлаш жоизки, Хитой ва Ўзбекистон ўрта-сидаги амалий ҳамкорлик барча соҳада ривож-ланмоқда. 2023 йилнинг 11 ойи мобайнида икки томонлама савдо ҳажми рекорд даражада — 12,2 миллиард АҚШ долларига етди, сармоя-вий ҳамкорлик сезиларли мустақкамланди, мин-тақалараро алмашинувлар тобора жиқлашмоқ-да, гуманитар ҳамкорликка қизиқиш янада ошди, икки мамлакат ўртасидаги дўстлик одамлар қал-бида чуқур илдиз этди.

Ишонаманки, қириб келган йилда Хитой — Ўзбекистон муносабатлари тараққиётнинг улкан салоҳияти ва ҳамкорлик учун кенг истиқболлар-ни муқаррар равишда намойиш этади.

Хитойда 2024 йил — "Аждаҳо йили", у бахт ва фаровонлиқни ифода этади. Хитой Халқ Республикаси ташкил топганининг 75 йилли-

ги нишонланадиган йилда янада кўпроқ са-марали натижалар ва икки томонлама ҳам-корлигимизда янги ютуқлар кутилмоқда. Ишончим комилки, икки мамлакат давлат раҳбарларининг стратегик раҳнамолигида Хитой — Ўзбекистон муносабатлари 2024 йил-да ҳам янада ривож топади.

Дўст Ўзбекистонга тинчлик-фаровонлик, унинг халқига эса бахт ва хотиржамлик тилайман! Хитой ва Ўзбекистон дўстлиги абадий бўлсин!

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО МАЙДОНДА САЛМОҚЛИ ЮТУҚЛАРГА ЭРИШДИ

**Олган БЕКАР,
Туркия Республикасининг
Ўзбекистондаги Фавқуллода ва мухтор элчиси:**



— Туркия ва Ўзбекистон муноса-батлари тарихига ай-ланган 2023 йилда фаол ва мазмунли кечди. Барчага аён-ки, йил бошида мамлакатимизда "аср фожиаси" деб аталган кучли зил-зила содир бўлди. Бошимизга тушган фалокат Ўзбекистон бизга қанчалик яқин қардош экан-лигини яна бир қарра намойиш этди. "Дўст кул-фатда билинади" деганларидек, ўзбек қардош-ларимиз Тошкент ва мамлакатнинг бошқа хулуд-ларида ёрдам кампаниясини ташкил қилиб турк халқига катта кўмак кўрсатди. Кейинроқ Ўзбе-кистон ҳукумати табиий офат оқибатида бош-панасидан айрилган фуқароларимиз учун ўй-жойлар қуриб беришга киришди.

2023 йилда ўзаро муносабатларни мус-тақкамлашга қаратилган амалий саъй-ҳаракат-лар давом этди, ҳамкорлигимиз синоবাদ ўтди. Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги муносабатлар ривожига икки қардош давлат Президентлари Режеп Таййип Эрдоған ва Шавкат Мирзиёев ўртасидаги сиёсий ишонч, дўстлик ва хурмат муҳим омил бўлаётди.

Ўзбекистонда мамлакатимизнинг етакчи компаниялари иштирокида йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Йил боши-дан 500 млн. доллардан ортиқ тўғридан-тўғри сармоялар жалб қилинди, 200 дан зиёд янги корхоналар ташкил этилди. 2024 йилда бу тренд давом этишига шубҳа йўқ. Хусусан, олий дара-жадаги Ўзбекистон — Туркия стратегик ҳамкор-лик кенгашининг навбатдаги йиғилиши Анқара-да бўлиб ўтиши режалаштирилган.

Шу ўринда 2023 йил Ўзбекистон учун муваф-фақиятли бўлганини таъкидламоқчиман. Ўзбе-кистон раҳбари дунёнинг ўнлаб давлатларига ташири буюрган бўлса, жаҳоннинг илғор, етак-чи мамлакатлари давлат ва ҳукумат раҳбарлари

ислохотлар ортага қайтмас тус олаётган Ўзбе-кистонга сафар қилдилар.

Ноябрь ойи бошида Туркий давлатлар таш-килоти Давлат раҳбарлари кенгаши йиғилиши доирасида Президент Шавкат Мирзиёевга тур-кий халқлар оиласининг бирлигини мустақкам-лашга, туркий мамлакатларнинг манфаатлари ва қарашларини халқроқ майдонда фаол ил-гари суришга қўшган улкан хиссаси учун юксак муқофот — "Туркий дунёнинг олий ор-дени" тантанали равишда топширилди. Бу Ўзбекистонга билдирилган юксак ишончдан да-лолат беради.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини ва "Халқ сўзи" газетаси жамоаси ҳамда мушта-риларини қириб келган Янги йил билан та-бриқлайман. Ишонаманки, 2024 йилда ҳам Ўзбе-кистон халқига тинчлик, фаровонлик ва тарақ-қиёт ёр бўлади.

БЕТАҚРОР ЮРТИНГИЗГА МАЛАЙЗИЯЛИКЛАРНИНГ ҚИЗИҚИШИ ЮҚОРИ

**Илҳам Туа Бин ИЛЁС,
Малайзиянинг мамлакатимиздаги
Фавқуллода ва мухтор элчиси:**



— Малайзия ва Ўзбекистон ўртаси-даги муносабатлар жадаллик билан мустақкамланиб бормоқда. 2023 йил-нинг 1 декабрида Дубай шаҳрида кеч-ган Бирлашган Мил-латлар Ташкилоти-нинг Иқлим ўзгариши бўйича конференцияси доирасида Малайзия Подшоҳи Султон Абдуллоҳ Риоятуддин Ал-Мустафо Биллоҳ Шох ва Ўзбе-кистон Президенти Шавкат Мирзиёев ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Ўзбекистон билан Малайзия ўртасидаги муносабатлар, энг авва-ло, иқтисодий йўналишдаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Давлатларимиз ўртасида ўзаро савдо ҳажми ошмоқда, иқтисодиётнинг турли тармоқларида кооперация лойиҳалари ҳамда зиёрат туризми соҳасида дастурлар амалга оширилмоқда. Ҳам-корлик қўламини кенгайтириш мақсадида бу йил Малайзия — Ўзбекистон Ҳукуматлараро комис-сия йиғилиши ҳамда қўша бизнес форумини ўтказишга келишиб олинди.

Малайзия Ўзбекистон билан муносабатлари-да таълим ва туризм соҳаларига ҳам катта эъти-бор қаратади. Малайзиянинг халқроқ рейтинг-ларда юқори ўринда турувчи олий таълим му-ассасалари жуда кўп. Малайзия ўзбекистонлик талабалар учун энг талабғир мамлакатлар си-расига қиради. Бунчи кўп сонли талабалар тах-сил олаётгани ҳам тасдиқлайди.

Ўз навбатида, Ўзбекистон ҳам малайзиялик-

лар эътиборини тортиб келади. Ўзаро талаба-лар ва ўқитувчилар алмашинуви, ҳамкорликда илмий анжуманлар, академик тадқиқотлар ўтқа-зиш аънавана айланган.

Сўзим якунида Ўзбекистон халқини Янги йил билан табриқлайман. Уларга тинчлик-хотиржам-лик, фаровонлик тилайман.

ҚАРДОшлиК МУНОСАБАТЛАРИ АБАДИЙЛИГИГА ИШОНАМИЗ

**Хусайн ГУЛИЕВ,
Озарбайжон Республикасининг
Ўзбекистондаги Фавқуллода ва мухтор элчиси:**



— Озарбайжон ва Ўзбекистон муносабат-лари ўтган йилда ўзи-нинг сермахсуллиги ва натижадорлиги билан ажралиб турди. Яъни 2023 йилнинг ўзида мамлакатларимиз раҳбарлари — Илҳом Алиев ва Шавкат Мирзиёев тўрт мартаба учрашди. Ўзбекистон Президенти уч марта Бокуга ташири буюрган бўлса, мамлакатимиз етакчиси Иқтисодий ҳам-корлик ташкилотининг Тошкентда ўтказилган саммитида иштирок этди.

ЗАМОН ҚАСРИ



II

Келбатади буюк Амир Темурни кўр,
Юртга қайтган шоҳ ва шоир Бобурни кўр.

Ҳақ тутқазмиш қайтадан қалам-хомасин,
Ёзмоққа шай янгитдан “Бобурнома”син.

Сиздан ризо авлодлардан бўлинг ризо,
Юртингизга хуш келибсиз, Бобур Мирзо!

Айтмангизким, тасодиф ё ногаҳийдир,
Барча ишдан огоҳ бобо Огаҳийдир.

Бу — Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат,
“Фигонким...” деб чекмиш қанча ранжу гурбат.

Ёрқентларда қолмиш оху афгонлари,
Мана, охир ушалмишдир армонлари.

Тўзғиб кетган зотлар шунда бирлашмоқда,
Бу сиймолар, бу даҳолар ишламоқда.

III

Адабиёт деса миллат раҳнамаси,
Адабиёт — миллатнинг зафарномаси.

Даҳоларни қодир Оллоҳ ўзи сийлар,
Қайтиб келмиш Чўлпон, Фитрат, Қодирийлар.

Авлонийлар алвон-алвон сўзлар айтиб,
Келмиш гўё ҳозиргина тирик қайтиб.

Ҳайкалларга жон кириб, жўш ургандайин,
Гўё янги ҳаёт бошлаб тургандайин...

Биз бир зум ҳам тарихдан кўз юмолмаймиз,
Кечмишни ҳам қаро ерга кўмолмаймиз.

Қаттол тузумлардан ўтган улуг зотлар,
Юрак-бағри жароҳатга тўлуғ зотлар —

Устозларнинг номларин пок сақлаб, омон,
Авлодларга етказишдир янги замон.

Бу замоннинг бошдан-оёқ ўзи жаҳид,
Бош меъморин ўзи жаҳид, сўзи жаҳид.

Ким бармоғин, ким тирноғин тишламоқда,
Янги давру янги замон ишламоқда.

IV

Асрларнинг сочларини оқартирган,
Манов Ойбек домла эрур боқиб турган.

Ғафур Фулом шунда, Ҳамид Олимжон ҳам,
Қаҳҳор домла йўнар гўё янги қалам.

Очилгандай бўлар шу он қулфи диллар,
“Бу боғлар...” деб фахр этса ёш Зулфиялар.

Ҳавас айлар ҳар ўғил-қиз озодага,
Савол беринг домла Мақсуд Шайхзодага.

Тўрғайзорлар ҳавосининг кайвониси,
Бердақ бобо навосида найсон иси.

Кўш ёнида Иброҳим ҳам Тўлепберген,
Қорақалпоқ элин бахтин тилаб турган.

Атрофида тинглашга шай ғужгон ёшлар,
Озод домла гўё ҳозир гурунг бошлар.

Не ҳам дердик Саид Аҳмад + Саидага,
Амал қилиб бор одоб, бор қоидага —

Ўлтирибсиз бир оила армон бўлиб,
Бир-бирингиз дардингизга дармон бўлиб.

Шу мўътабар, шу табаррук ёшларида,
Қиров босган манглайлари, қошларида —

Келажакнинг фикрлари қишламоқда,
Ҳар бир сурат, ҳар бир ҳайкал ишламоқда.

Дилдан тиклаб мен матонат кўргонини,
Дилдан битдим шаъну шараф достонини.

Зўр шоирлар шеър ишқиди Мажнундирлар,
Устоз Эркин Воҳид бундан мамнундирлар.

Ким муҳтождир маърифат ҳам маорифга,
Келсин ҳар кун устод Абдулла Орифга.

Яна бири толмас Саша Файнбергдир,
Шафқат қилмас, лек мисоли қайинбаргдир.

Шоир Муҳаммад Юсуф бор, Муҳаммаджон,
Усиз тўқис бўлмас бу боғ, бу хиёбон.

V

Бобораҳим Машрабнинг мен суратига
Қарайману, лол бўлгум вақт суръатига.

Дунё ўтар, не-не ҳою ҳавас ўтар,
Эл қолгай, деб, тил қолгай, деб Аваз Ўтар,

Айлантириб турар мамнун чўғирмагин,
Кўрмиш охир ўз миллатин кўкармагин.

Бир замонлар Усмонлари қон тупурган,
Адабиёт маъвосида қон гупурган —

Бу Миртемир домла эрур — қонлар ютган,
Ўзбекистон тонглари бодор кутган...

Оғир замонлардан келмиш Шароф ота,
Доим эл-юрт, ҳамиша халқ тараф ота.

Битта ўзи не ҳам қила олар эди?
Адабиёт ўйлар эди, толлар эди...

Бобурийлар тарихини маёқ этиб,
Ҳинд мулкани кезиб келмиш сўроқ этиб.

Бобур Мирзо мавзусида у яктодир —
Илк бор роман битган Пиримқули Қодир.

Бобур деса, дуч келмиш кўп надоматга,
Асар ёзиб, адиб қолмиш маломатга.

Одил ака — урушлардан безган адиб,
Улугбекнинг хазиначин топмиш ажиб.

Бу хазина фақат қадр билмагани,
Чин эгаси унинг ҳали келмагани.

Бир бинода неча авлод айлар гуфтор,
Танҳо эмас бунда асло Асқад Мухтор.

Мунгулғу боқар қаттол давр босимлари
Остидан не-не Мирқарим Осимлари.

Адабиёт қонуни бу — элга дохил,
Абадият қонуни, дер Низом Комил.

Ошно бўлгай етти ёт эл, бегоналар,
Таржумонлар керак бизга, таржумонлар.

“Адабиёт ўладими?...” дебон ҳамон,
Шукур ака ўйлаётир неча замон.

Ўн саккизга кирмаган йўқ сафингизда,
Ўн саккиз минг баҳорлар бор қалбингизда.

“Одам бўлиш қийин” деган қиссалар бор,
Бу қиссадан биз чиқарган ҳиссалар бор.

Машраб ака, замонавий Машраб Бобо,
“Кўнглик кўчаларин” кезмиш роса, аммо

Ёшлиқдаги шод чоғлардай қулиб турар,
Ич-ичи лек қонли сўзга тўлиб турар.

Носир Фозил билан Анвар Обиджонлар,
Сўз кемириб, умрин садқа қилган жонлар,

Адабиёт деса, молу дунё бекор —
Юрак-бағри тилка-тилка бўлганлар бор.

Панду ҳикмат — бу менинг ҳам масалимдир,
Ҳикмат айтиб турган Садриддин Салимдир.

Бу дунёда эл-юртдан зўр ҳикмат бўлмас,
Эл-юртнинг сўзи сўнмас, сўзи ўлмас!

Қаранг шоду хуррам Тўра Сулаймонни,
Куй-қўшиққа тўлдиргудай кенг жаҳонни —

“Баҳор кетма...” деб бўзлаган, Тўра ака,
Наздингизда биз ҳали ҳам ғўра, ака.

Шеърятга қанча бўю ифор келмиш,
Боғингизга кетмас бўлиб баҳор келмиш.

Хазон босмас Адабиёт бўстони,
Ҳис қилгайсан ўтганларнинг армонини —

Тақдир ҳукми тирқиратган устозларим,
Ўз мулкида мусофиру мумтозларим,

Суратлардан боқиб турар қатор-қатор,
Бир бирига хайрихоҳдир ҳам миннатдор.

Барчалари бир манзилда тизилмишлар,
Саргардонлик тугаб, охир йигилмишлар.

Умрларнинг сўз йўлида сарфи шунда,
Шавкат Раҳмон шунда, Рауф Парфи шунда.

Омон Матжон шеър айтганда — шеър энди дидир,
Ҳар тахмиси — шеърятнинг “бренд”идир.

Ғазал айтса Матназар ўз шевасинда,
Садо бергай шу он Гурлан, Хевасинда.

Сурхонлардан келмиш, мана, Тоғай Мурод,
Элин суйганларга Ўзи бергай мурод!

Эгатлардан ўсиб чиққан болаларим,
Бу — отамдан қолган менинг далаларим.

Миллат деган сўзлар асло сўлмас, ака,
Адабиёт ўлмас экан, Ўлмас ака!

Ўткир ака, бу хушхабар сизга доир:
Баҳор қайтди! Баҳор қайтиб келди охир!

Неча Ойдин, Ҳалималар, жонажонлар,
Бу кунларга етганлар бор, онажонлар.

Барча орзу-умидингиз қароргоҳи,
Сайр айлангиз бунда кезиб гоҳи-гоҳи.

Ва буларнинг барчасини кўриб туриб,
Сўз бўстони аро озод ўйлар суриб,

Барчага шод салом бериб, олар алик,
“Шайтанат” ҳам битди дебон Тоҳир Малик.

Токи ҳаёт абадийдир, адаб ва ёд,
Адабиёт абадийдир, Адабиёт!

Бу бўстонга бериб сайқал ишламоқда,
Ҳар бир сиймо, ҳар бир ҳайкал ишламоқда.

VI

Ўз-ўзидан бино бўлмас замон қасри,
Замон қасри — асрий орзу-армон қасри.

Юрт эгасин ҳимматидан бунёд бўлган,
Армони ҳам ниятидан бунёд бўлган —

Ҳар ҳайкалнинг қошида — бир дорилфунун,
Адабиёт — ёшлик, сурур, сеҳру жунун.

Унутмангки, Адабиёт — ору номус,
Бу кунларнинг ҳар лаҳзаси — бу бир қомус.

Сиз айтган ҳар шеърнинг тожу давлати бор,
Асрларга етар меҳру шафқати бор.

Кўрганмикан бундай замон дориламон,
Ҳайкалларнинг ҳар бири — бир давру замон.

Билим деса, ҳам қарзу ҳам фарз олингиз,
Ҳар устоздан дарс олингиз, дарс олингиз!

Ишласин деб эзгу орзу-матлабларга,
Миллён-миллён китоб кетар мактабларга.

Айтсам яна бир муҳташам робитани —
Юз устунлик буюк туркий обидани!

Оврупою Осие — яққалам аро,
Овозадир етти иқлим олам аро.



Бу ён ўзбек юрти, у ён — мोजаргача,
Турк диёри, қирғиз, қозоқ, озаргача —

Таҳсин айтар бу ғоянинг сарқорига,
Сабабқори, муаллифи, меъморига.

Бу юз жилдлик — уйғоқ, бедор тарбиятдир,
Жаҳолатга қарши — хушёр маърифатдир.

Бу маърифат қарвонидир — мангу равон,
Бу қарвондан қолганларга боқмас замон.

Сафингизда қанча олов, ўт, ёлқинлар,
Қанча янги тугёнлар бор ва тошқинлар.

Укам, синглим, қалбинг ёниқ, ўтлуғ бўлсин,
Сизга шундай давру замон қутлуғ бўлсин!

Сабоқ олмоқ, илм олмоқ гўзал ишдир,
Ҳар сабоғу ҳар дарсингиз — битта ғиштдир.

Шу боисдан шамоллардан шитоб ўқинг,
Китоб ўқинг, кеча-кундуз китоб ўқинг!

Мозийдаги зил соғинчлар тарқаб кетар,
Юлдузлар ҳам кўзингиздай чакнаб кетар.

Нафис мажлисларнинг уйғоқ фикратидан,
Улуғ зотлар меҳнатию заҳматидан —

Бу эл-юртлар шундай гулшан макон бўлди,
Замон янги замон бўлди, замон бўлди!

Бу дунёда — бир томондан нураш кетар,
Бир томондан — кураш кетар, кураш кетар.

Одамзотни йўлдан урар гар одамзот,
Адабиёт одам қилар, Адабиёт!

Бирлашсак биз — бир қудратли жон ва танмиз,
Биргалашсак — биз енгилмас бир Ватанмиз!

Асрларга мисли хитоб ишламоқда,
Сиз ўқиган ҳар бир китоб ишламоқда.

VII

Эл тиклаган бу матонат кўргонини
Кўриб, дилдан битдик қадр достонини.

Гар дунёга сайру гаштлар айлаб келдик,
Бу кунларга йиллаб келдик, ойлаб келдик.

Бу кунларга етмайин, сўз кўйида хор,
Тош кемириб ўтган не-не инсонлар бор.

Бўғотларда хотиралар қишламоқда,
Устозларнинг ному ёди ишламоқда.

Эҳтиёж бор — татигувчи асрларга,
Юксак, баланд бинолардай — асарларга.

Ҳар иморат — келажакка қақриққидир,
Бу замондан замонларга ҳайқирққидир.

Инсонлар бор, қалблари қум, саҳро каби,
Замондошим, кел яшайлик дарё каби!

Абадий ёд эрур бағри куюк Ватан,
Буюк Ватан, адабиёт — буюк Ватан.

Тупроғидан, япроғидан қарздормиз,
Бугдойи ҳам чаноғидан қарздормиз.

Номин битсак дилу жондан, жон ва тандан,
Қарздормиз биз абадий шу Ватандан.

Хаёл каби учқур бу вақт, шитоб айланг,
Тарихий бу лаҳзаларни китоб айланг.

То инсондай хизмат қилсин ҳар бир китоб,
Ҳар бир китоб меҳнат қилсин, ҳар бир китоб.

Айланар Ер, кеча-кундуз, кавну макон,
Давру замон ишламоқда, давру замон.

Дастхат қўйинг абадият деворига:
Шараф бўлсин шу замоннинг Меъморига!

¹ Ўзбекистонда нашр этилган 100 жилдлик “Туркий адабиёт дурдоналари” назарда тутилмоқда.



2023 ЙИЛ: ХОТИРАЛАР, ТАҒЛИЛАР, ХУЛОСАЛАР

ЁРҚИН УМИД, ГЎЗАЛ ОРЗУЛАР

Вақтинг тез ўтишини қарангки, кўз очиб-юмгунча тўрт фасл алмашиб, 2024 йил ҳам кириб келди. Эски йил умримизнинг яна бир бўлагини тарих қатларига олиб кетмоқда. Ўтган йил мобайнида кўрган-кечирганларимиз ва элу юртимиз ҳаётида рўй берган унутилмас воқеаларни, ҳар биримиз ўз соҳамизда эришган ютуқларимизни баҳолаб эканмиз, 2023 йилни шукроналик туйғуси билан кузатдик.

Дарҳақиқат, ўтган йил бизнинг жамоадошларимиз учун унутилмас бўлиб қолди. Боиси театримиз янги бинода иш бошлади. Президентимиз топшириғига асосан 25 млрд. сўм эвазига қуриб битказилган ушбу мухташам ва замонавий бинода ижодий жамоамиз учун ҳам, театр ихлосмандлари учун ҳам барча шарт-шароит яратилган. Бугун ана шундай ёруғ, гўзал ва мухташам театр саҳнасида фаолият олиб бормоқдамиз. Бу биз, театр соҳаси ходимларига

Юртбошимиз томонидан кўрсатилаётган улкан ғамхўрликнинг амалдаги ифодасидир. Аёнки, бугун замон шиддат билан ўзгариб бораётди. Шунинг учун ҳам, кейинги йилларда мамлакатимизда илму фан, маданият ва спорт, айниқса, таълим-тарбия соҳасига эътибор янада кучайтирилмоқда. Шу маънода, болаларга бўлган меҳримиз сабаб



Гулчехра РАСУЛОВА, Қашқадарё вилояти кўғирчоқ театрининг 1-тоғали драма артисти.

1999 йилда Қарши давлат университети мактабгача таълим ва тарбия йўналишига ўқишга кирдим. Оддий айтганда, ниятним боғча опа бўлиш эди. 2003 йилда университетни битиргач, боғчада ишлаш насиб этмади. Сабаби каминани болажонликда мактабгача таълим ташкилотидан қолишмайдиган бошқа бир жамоа ўз сафига қақирди — Қашқадарё вилояти кўғирчоқ театрида актриса сифатида иш бошладим. Ўтган йиллар давомида ижодий жамоамиз билан биргаликда болажонлар учун жуда кўплаб асарларни саҳналаштирдик. Ўз репертуаримиз билан

мамлакатимиз бўйлаб, қолаверса, хорижий давлатларда гастроль сафарларида бўлдим. Бир қатор ютуқларни қўлга киритдик. Янги йил байрами шуқуҳи кезаётган шу кунларда кўғирчоқ театри ижодкорлари зиммасига ҳам катта масъулият юкнади. Боиси байрамни юксак савияда, баланд руҳда ўтказиш, юртдошларимиз, айниқса, болажонларга хушайфият улашиш мақсадида қизиқарли спектакль ва шоу томошаларига тайёргарликни анча аввалроқ бошлаганмиз. Айни кунларда бири-биридан қизиқарли томошалардан бир олам кувонч ва унутилмас таассурот олаётган болажонларни кўриб бу касбни танлаб хато қилмаганимга амин бўлам.

Ишонманки, янги йилнимиз янада хайрли ва баракали бўлади.



ЮТУҚЛАР ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ УНДАЙДИ

Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тараққий эттириш, жумладан, ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи субъектларга ҳар томонлама қулайлик яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада Андижон вилояти божхона бошқармасида аҳоли ва тадбиркорларга сифатли хизмат кўрсатиш, уларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича самарали тизим яратилган. Мазкур соҳа серқирралиги билан ажралиб туради. Бу орада касб сир-асрорларини пухта ўргандим, ҳозирда бошқарманинг "Маданият" чегара божхона пости инспектори вазифасида фаолият кўрсатяпман. Божхона чегараси орқали ҳаракатланаётган товар ва транспорт воситалари, фуқаролар ва уларнинг қўл юкларини назорат ҳамда расмийлаштиришдан ўтказиш, божхона қонунчилигига риоя этишни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш асосий вазифам ҳисобланади.



Моқидилхон АҚМЕДОВА, Андижон вилояти божхона бошқармасининг «Маданият» чегара пости инспектори, божхона хизмати капитани.

Пост кўши давлат билан чегарадош ҳудудда жойлашган. Бир кунда 3 мингга яқин фуқаролар ҳаракатланувчи ушбу манзил халқаро мақомга эга бўлгани боис хорижий меҳмонларга ҳам хизмат кўрсатамиз. Бунинг учун биздан жаҳон талабларига мос ва хос хизмат кўрсатиш интизом талаб этилади. Негаки, сўнгги йилларда қўш мадониёт ўрта-сидига дўстона муносабатларнинг кенг ривож топиши божхона тизими ходимлари масъулиятини янада оширди.

Орта қолган йилларни сарҳисоб қилар эканмиз, соҳада эришган ютуқларимиз бизни янги марралар сари ундашишга амин бўлди. Гап шундаки, ўтган йил мен учун хотирада қоладиган ёрқин воқеаларга бой бўлди. Масалан, "Йил аёли" миллий танловида "Йилнинг энг ватанпарвар аёли" номинациясида ғолиб бўлдим.

Мажидхон ИСЛОМОВ, «Ургут саноат сервис» корхонаси раҳбари, «Шуҳрат» медали соҳибиди.

КИТОБНИ ЎЗИГА ДЎСТ TUTGAN KIШИ ҲАЁТДА АДАШМАЙДИ

Китоб ва китобхонлик инсон камолотида муҳим ўрин тутди. Болалигимга ошно бўлган оилавий китобхонамизни яхши эслайман. Бу эса каминанинг шахс сифатида шаклланишида, ҳаётда ўз йўлимини топиб, касб-ҳор танлашишга катта таъсир кўрсатди.

Бугун катта ҳажмда босма ва электрон адабиётлар ресурслари эга масканда фаолият олиб борар эканман, юртимизда китобхонликка қаратилаётган эътиборнинг амалий натижаларини кўриб манмуният туюман. Миллий ва замонавий архитектура ечимлари асосида барпо этилиб, 2021 йили фойдаланишга топширилган маърифат масканимиз халқаро стандартлар даражасида жиҳозланган. У бугунги кунда 36 мингдан ортиқ китоб фондига эга. Муассасамиз жаҳондаги йирик электрон китобхоналар тармоғига уланган. Бу орқали хорижий адабиётлардан ҳам эркин ва бепул фойдаланиш имконияти яратилган. Кейинги пайтларда QR кодли 270 та китоб яратдик. Бизда таширф буюрувчилар махсус ID-карта олади. Барча жараён электрон тарзда бажарилади. Биринчи қаватда 12 ёшгача бўлган болалар ҳамда кўзи ожиз инсонларга мўлжалланган алоҳида ўқиш зали ташкил этилган. Кичикинтойлар учун мўлжалланган бурчакча уларнинг ижодий тасаввурларини бойтадиган жиҳозлар қўйилган. Иккинчи ва учинчи қаватларда умумий ўқув заллари, ертўлада архив жойлашган. Шунингдек, бу ерда ёшлар ахборот технологияларини ўзлаштириши учун ITнинг энг замонавий воситалари билан таъминланган алоҳида бўлим ишлаб турибди.



Дилноза АЗИЗОВА, Намангандаги «Янги Ўзбекистон — Ёшлар зўб маскани» ахборот-кутубхона маркази директори.

Бундай замонавий шароитлар яратилгани китобхонлар сафи кенгайишига хизмат қилаётди. Китобхонамизнинг доимий аъзолари сони ўн бир минг кишига етиб қолди. Бунга қўшимча кунига 150 — 200 китобхон мутолаа учун келаётгани одамларда китоб билан янада яқин дўст тутинишига интилиш анча ошиб бораётганини кўрсатади. Шу билан бирга, халқаро, республика ва вилоят миқёсидаги қатор маънавий-маърифий тадбирлар китобхонамизда ўтказиб келинаётди. Кейинги уч йил давомида бир қатор анжуманларда 70 минг нафарга яқин меҳмонларни кузатдик.

Барчамизга яхши аёнки, яқинда Президент Шавкат Мирзиёев раислигида Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда бугунги глобаллашув жараёни билан боғлиқ бўлган маънавий таҳдид масаласи кўтарилар экан, аҳолининг тафаккурини кенгайтириш, маънавий идариясини ошириш, миллий ўзлигини янада чуқурроқ англаши учун зиёлилар томонидан маънавий-маърифий ишлар олиб бориш зарурлиги айтилди. Шубҳасиз, бу вазифалар ижроси маънавият-маърифат аҳли қаторида бизнинг зиммамизга ҳам 2024 йилда катта масъулият юклайди.

Дилноза АЗИЗОВА, Намангандаги «Янги Ўзбекистон — Ёшлар зўб маскани» ахборот-кутубхона маркази директори.

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҲАМ ЎЗ ИЛМИ БОР

Дунёга машҳур ҳар қандай бренд ортида хунар ва билим, чинакам тадбиркорлик замирида шижоат, тинимсиз меҳнат ҳамда тажриба ётади. Бошқа соҳалар каби тадбиркорликнинг ҳам ўз илми бор. Кимдир тадбиркорликни пулнинг ортидан қувиш деб билади, унга фақатгина олди-берди иши, деб қарайди. Чинакам ишбилармон бўлиш учун эса соҳага оид китобларни ўқиш, янгиликлар билан танишиб бориш, замонавий билимларни эгаллаш лозим.

Муҳими — мақсадни тўғри қўйиш, маррани баландроқ олиш. Биз туман марказидан ижарага жой олиб, тикув цехи ташкил қилиб, укаларим ҳамкорлигида эркаклар кийимларини тикитиш билан шуғуллана бошлаган кезларимизда оддий хунарманд эдик. Тайёрланган маҳсулотни тумандаги бозорда сотиб, кўпроқ хомашё олар, сифатлироқ маҳсулот ишлаб чиқаришга интилардик. Бунинг ортидан тайёрлаётган буюмларимизнинг миқозлари кўпайди, вилоят миқёсида харидорлар, буюртмачилар кела бошлади. Ишинг ривожидан руҳланиб, қўшимча ишни жалб қилдик. 7-8 нафар тикувчини ишга олиб, маҳсулот турини кўпайтирдик, кўпроқ буюртма билан ишлашга ўтдик. Кейинги йилларда тадбиркорлик

қиламан, деган кишига, айниқса, ёшларга ҳуқуматимиз томонидан кенг имкониятлар яратилгани оддий хунармандликдан таниқли тадбиркор даражасига кўтарилишида бош омил бўлди. Хусусан, оилавий корхона очиш учун катта имтиёзлар берилди. Бугунги кунда дунё билан бўйлашаётган тадбиркорларимиз ўз корхонасига қизиқарли, эсда қоладиган, эътиборни тортадиган фирма номларини танлашга интиломқда. Шу маънода, биз ҳам ички ва ташқи бозорга миллий савдо бренди «Ургутиний» номи билан эркаклар кийимларини чиқара бошладик. Биласизми, ишбилармон киши нафақат ўзи, балки атрофидаги инсонларга



Мажидхон ИСЛОМОВ, «Ургут саноат сервис» корхонаси раҳбари, «Шуҳрат» медали соҳибиди.

ҳам нафи тегса, чинакам тадбиркорга айланади. Бугун ишлаш учун имконият берилаётган экан, бундан унумли фойдаланишимиз керак. Янги иш ўринлари ташкил этишда маррани катта олиб, фаолиятимизни кенгайтириш мақсадида Оқдарё ва Нукус туманларида корхона филиалларини очдик. Ҳозир корхонамизда 200 дан ортиқ кишилар иш билан банд. Кунига 2 мингта маҳсулот тайёрланапти. Маҳсулотларимиз айниқса, Россия, Қозғистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Тожикистон каби давлатларда харидордир. Шу жиҳатлари билан ҳам Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили биз учун гоятда омадди келди, десам, асло муболага бўлмайдим. Бу эса бизга янада куч бағишлаб, янги марралар сари ундайди. Ишонманки, Янги — 2024 йил ҳам барчамизга улкан муваффақиятлар олиб келади.


ЯШИЛЛИКДАН КЎЗЛАР ҚУВНАЙДИ, ДИЛ ЯЙРАЙДИ

Атроф-муҳит мусофоллигини асраш, табиат яшиллигини муҳофаза қилиш — хайрли иш. Шунинг учун ҳам Президентимиз бошлаб берган «Яшил макон» умуммиллий ташаббусини ҳаётга кенг татбиқ этишда барча бирдек фаол қатнашаётим.

Биласизми, ўтган йили баҳорда мактаб-интернатимиз боғига 6 туپ бодом кўчати ўтказгандим. Шукрки, олтови ҳам амал олди. Эҳтимол, эриш туюлар, лекин бу, менинг 2023 йилда эришган энг катта ютуқларимдан бири, деб биламан. Негаки, еримиз шўрхоклиги боис ниҳолни кўқартириб олиш бироз мушкул. Лекин чораси кўрилса тошда ҳам гул ўстириш мумкин.

Дарвоқе, ўша олти туپ бодом «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасининг кўзги маъсумида юздан зўёдага кўпайди. Гап шундаки, баравж зўёдагидан бодом ниҳолларини кўрган шахримиз оқсоқолларни мактабимиз рўпарасидаги йўл четида бодом кўчатларини иборат «Нуронийлар боғи» яратди. Айни пайтда ушбу бодомзор парваришига ўзим масъулман.

Мактаб-интернатимизнинг умумий майдони 2 гектар атрофида. Шундан тенг ярми боғ ва гулзорлардан иборат. Яшиллик яратиш ҳам таълим муассасамиз номига уйғун. Янги ҳар йили санъат даражасидаги ландшафт яратишга ҳаракат қиламиз. Масалан, ўртада қизил гуллар, хошиясида эса олтинранг чечаклар...



Аъзам ҒАҒУРОВ, Ўзбекистон Бадиий академияси тасарруфидagi Сирдарё ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати боғбони.

Хуллас, бугун ҳавас билан ниҳол эксақ, эртага улар янги-янги боғларга айланади, шу орқали келгуси авлодлар учун соф ва табиий шароит яратилади. Гап шундаки, бундан бир неча йил олдин хризантемалар турига кивручи сариқ гулни мактабимиз директори бир хонадонда кўриб қолади ва 50 тача кўчати олади. Эътиборлиси, ушбу гулнинг бир туپидан ўнлаб кўчатларни ажратиб олиш мумкин. Айни хусусияти туфайли бугун сариқ хризантемалар кўпайгандан кўпайиб, нафақат мактабимиз ҳовлисини гулшанга айлантирди, балки Гулистон шаҳри ва узоқ-яқин манзилларга ҳам тарқалди.

ИНСОН ҚАЛБИДАГИ МАҚСАДЛАРНИНГ ЭНГ УЛУҒИ

Ватан шаънини улуғлаш — инсон қалбидаги орзу мақсадларнинг энг улуғи. Шу маънода айтганда, халқаро мусобақаларда иштирок этарканмиз бизни минглаб ватандошларим кузатишаётгани ва фақат галаба қутишаётганини, асосийси, ортимизда Ўзбекистон деган буюк Ватан турганини юрак-юракдан ҳис этиб тураимиз.

Бу нафақат зиммамиздаги масъулиятни оширади, балки қўшимча куч, мотивация беради. Биласиз, ўзбек боксининг донғи дунёга кетган. Бухорода ҳам чинакамига бокс мактаби шаклланди. Бунга айнан мустақиллик йилларида тамал тоши қўйилди. Бизнинг авлод жаҳон кубоғи соҳибидир Наримон Отаев, икки қарра жаҳон чемпиони Аббос Атоев, жаҳон чемпиони Шаҳрам Ғиёсов, олимпиада ғолиби Шаҳобиддин Зоиров сингари таниқли чармқўлқоп усталарига ҳавас қилиб вояга етдик. Улар қўлга киритган галабалар ҳар бир спорт-

чи ёшининг орзусидир. Умид қиламизки, улар каби ўзлари танлаган соҳаларида юрт шарафини юксалтирадиган ёшларимиз сафи кенгайишда давом этади. Бунинг учун мамлакатимизда барча имконият муҳайё. Ортада қолган йил бир умр ёдимда қолади, десам, адашмайман. Негаки, мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионида ғолиб қилдик. Давлатимиз раҳбарининг тегишли Фармонига мувофиқ бир гуруҳ спортчилар қатори мамлакатимиз

мустақиллигининг 32 йиллиги муносабати билан «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи» фахрий унвони билан тақдирландим. Профессонал боксда дастлабки жангни муваффақиятли ўтказдим. Ўзбекистонда 2023 йилнинг энг яхши эркак спортчиси сифатида эътироф этилдим. Буларнинг барчаси Президентимизнинг, давлатимизнинг биз, ёшларга кўрсатаётган эътибори,

Нукус шаҳридан уй-жой берилди. Бир оила учун зарур бўлган барча жиҳозлар мавжуд янги уйнинг қалитини Қонлиқул тумани ҳокимининг ўзи тантанали равишда топширди. 2024 йилни янги уйда қутиб олиш бахтига муяссар бўлдим. Ва ниҳоятга етган 2023 йил ҳаётимда ана шундай қувончли ҳамда унутилмас воқеаларга тўлалиги билан бир умр ёдимда қолади.

Очиги, шулар ҳақида гапирар эканман, алоҳида таъкидлашим керак. Ватанимиз, халқимиз, айниқса, ёшларга ғамхўр ва меҳрибон Юртбошимиз олдида ўзимни умрбод қардор ҳис қиламан.

Айтмоқчи бўлганим, шундай одам ва обод юрт фуқароси сифатида, насиб этса, ўқишни тугатиб, шу халқ учун, шу Ватан учун сидқиқилдан меҳнат қилиб, билдирилган ишонч-ни, албатта, оқлайман.

Даўлетбай АМАНТАЕВ, ғамхўрлиги натижаси, албатта.

Спортда менинг ўз ақидам бор: тўхтаб қолган йиқилиши тайин. Бинобарин, меҳнат қилишда, интилишда, ўз устимда ишлашда давом этишим керак. Жорий йили Францияда ўтказиладиган спорт олимпиаданинг энг нуфузли мусобақаси — Олимпиада ўйинларини бундан-да баландроқ ёйиш асосий мақсадим.

Янги 2024 йилда ҳам халқимизнинг юзи ҳамиша ёруғ бўлсин, спортчиларимизнинг қўли баланд келаверсин!

Абдумалик ХАЛОҚОВ, бокс бўйича жаҳон чемпиони.



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 142. 15 736 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 71-259-74-51; қотибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-55.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва мазмунига қайтарилмайди.

Газетанинг мустақил берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термал ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланган.

Газетанинг полиграфик жиҳаддан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислоҳ Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойкуров.
Мусаҳҳих — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 18.48 Топширилди — 22.20 1 2 3 4 5 6